



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 15
(886)
2024 йил
4 апрель,
Пайшанба



Эй, умри азиз...

“ҲАЛИ ЁРУҒ КУНЛАР КЕЛАДИ...”

Биз машъум, дея ҳисоблашга арзирли кўп воқеалар содир бўлган ўша, ўтган асрнинг 37-йили миллат учун қанчалик фожiali ҳисобланмасин, одамлар ҳаёти кундалик турмуш ва янгилик, қувончлардан ҳам холи эмасди. Самарқанд шаҳридаги оилалардан бирида, 1-туғруқхонада (ўша йиллари бўлган экан) ўша йилнинг ноябри сўнггида бир чақалок дунёга келди. Гарчи неваралари кўп бўлса-да, бу неъматдан яна бир бошқача шодланган бобо гўдакни онаси билан эъзозлаб, фойтунда уйга олиб келади. Чақалокқа Фарход деб исм беради ва кишининг қаҳратонида у бу хонадонга қувонч ва меҳр олиб келади.

Афсуски, чақалокнинг қирқи чиқар чиқмас бу хонадонга ҳам машъум 37-йилнинг қора кунлари ўз таъсирини ўтказди: бобо ва ўғил, амакилар халқ душмани ва унинг қариндошлари сифатида айтишга ҳам эт жунжикадиган ҳудудларга жўнатилади.

Буюк маърифатпарвар жадид Саид Ризо Ализода ва унинг оиласи бошига тушган қора кунлар ана шундай, тўсатдан, забтига олган қаҳратон қиш кунларида юз беради. Шу кунларнинг иштирокчиси, гувоҳи бўлган инсонларни кўрган, улардан бор маълумотларни олган, кўйинги, умрининг жуда катта қисмини бобоси, Саид Ризо Ализода амалга оширган маърифий ишларни тўплаш, уни турли ўлкалардан олиб келиш каби фидойилик билан ўтказган Фарход Ализода бугун ҳам хотиржамликка берилгани йўқ. Ҳамон изланишда, ўрганишда. Биз эса мақолада бу ўрганишлар ибтидоию, бугуни ҳақида батафсилроқ тўхталамиз. Ҳаммаси қандай бошланган эди ўзи, Фарход Ализоданинг

жонсарақлик билан азоб-укубатларга қарамай, Россиянинг совуқ ўлкаларидан бобосининг хокини келтиришу, турли давлатлардаги кутубхоналарга бориб, асарларидан нусха олиш ва бошқа кўплаб саъй-ҳаракатларига ким чўғ ташлади? Бир бошдан бошлаймиз.

Сургун

“Мени Россия турмаларидан бирига жўнатишар экан, иссиқ кийимларимдан келтиринглар, иложи бўлса...” Ҳозирча Самарқанд турмаларидан бирида ҳибсда сақланаётган Саид Ризо Ализодадан шундай хабар келгач, оиладагилар дарҳол тайёргарлик кўра бошлайдилар. Қизи ва келини қўлида қирқ кунлик чақалоғи билан Самарқанд шаҳридаги турмага қараб йўл олади, аксига олиб ўша йили ҳаво забтига олган, қиш қишлигини қилмоқда. Турмада маҳбуслар билан ўзбек тилида гаплашиш мумкин бўлмаганлиги учун келин ҳам чақалоғи билан бирга боришга мажбур бўлади.

(Давоми 5-саҳифада)

Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига


Бир дарёнинг икки соҳили

Туркий улуслар орасида ўзбек ва туркман халқлари мамлакатларининг жўғрофий ҳудуди, суврати ва сийрати, анъана ва урф-одатларидаги яқинлиги билан алоҳида ажралиб туради. Кейинги йилларда икки давлат раҳбарларининг ташаббуси билан ҳар тарафлама алоқалар тобора юксалмоқда. Зотан, бу яқинлик минг йилликларга бориб туташадиган тарихни ўз ичига олади. Яқинда Туркменистонга сафар қилиб, бу ҳақиқатни яна бир қарра кашф этдик.

Теран томирлар

Туркман халқининг тарихи, маданияти, анъаналарига анчадан бери қизиқиб, ўрганиб келаман. Халқларимизнинг тили, фольклори, адабиётидаги муштарак жиҳатлар ҳар доим каминани ҳайратга солиб келган. Хусусан, икки халқ оғзаки ижодига мансуб бўлган “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Гўрўғли” сингари дostonлар ўзбек ва туркман халқининг маънавий илдизлари туташ эканини англатади.

(Давоми 3-саҳифада)



“ТАХТИҚОРАЧА”ДА “АМИРСОЙ”ДАГИ ШАРОИТ НЕГА ЙЎҚ?

– Қарши шаҳрида яшаймиз, дам олиш кунидан фойдаланиб, оиламиз билан “Тахтиқорача” довомига келдик, – дейди Гулчеҳра Қулмуродова. – Бу йил шаҳарда деярли қор ёғмади. Фарзандларим қорга олиб боринг, тоғга чиқайлик деб қўйишмади. Тўғри, бу ерда қиш кунлари дам олишга шароит йўқ, лекин болалар учун бунга мажбурмиз. Тошкентдаги “Чимён”, “Амирсой” ҳам худди шундай жойлар, лекин у ерда барча шароит яратилган.

(Давоми 7-саҳифада)



Кейинги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида юртимизда “яшил боғлар”, “яшил жамоат парклари”, “яшил белбоғ”лар барпо этилмоқда.

ЮРТИМИЗДА “ЯШИЛ БОҒЛАР” КЎПАЙМОҚДА

Таъкидлаш жоиз, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олишга қаратилган тадбирлардан бири бу дарахт экиш, “яшил боғлар”ни кўпайтириш ҳисобланади. Жорий йилнинг январ ойида давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида йирик қурилиш материаллари, энергетика, металлургия корхоналари томонидан 5 гектардан “яшил белбоғ” яратиш, жами 10 миллион туп дарахт экиш, Тошкентда “яшил белбоғлар” ташкил қилиш кераклиги алоҳида қайд этилган эди.

Шунингдек, келгуси беш йил давомида Тошкент шаҳри ва унга тугаш Тошкент вилояти туманларини тўлиқ яшиллик билан қоплашни назарда тутувчи камида 3 минг гектар “яшил белбоғ” ва 200 гектар “яшил

боғлар” ташкил қилиш вазифаси ҳам белгиланганди.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида 2024 йилда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида камида 200 миллион туп манзарали ва мевали дарахт ҳамда буталар кўчатларини экиш ва республикада 444 та “яшил боғ” барпо этиш назарда тутилган.

19 март куни Сергели туманида ташкил этилаётган Ёшлар боғида давлатимиз раҳбари кенг жамоатчилик вакиллари билан биргаликда баҳорги дарахт экиш тадбирида иштирок этдилар. Боғ еттита кат-



та ҳудудга бўлинади. Марказий хиёбонда турли майдонлар, минг ўринли очик амфитеатр, миллий ва халқаро гастронимик зоналар барпо этилади.

Шу билан бирга, боғ ҳудудига биринчи босқичда мингдан зиёд каштан, эман, шарқий чинор, қизил куртак, магнолия, гужум каби манзарали дарахтлар экилиши, лойиҳа якунида эса уларнинг сони 20 минг тупга етиши режалаштирилган. Боғда аҳоли ҳордиқ чиқариши, болалар учун спорт ва ўйин майдонлари каби кўплаб инфратузилма объектларини ташкил этиш ҳам назарда тутилган.

Ушбу тадбир эзгу мақсадларни амалга оширишда давлатимиз раҳ-

бари бошчилигида шахсий ўрнат ва намуна ўлароқ, ҳар биримизга дарахт экиш мавсумида кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда бу ишларни давом эттиришга ундайди.

Зеро, Ўзбекистонимизнинг келажаги, ёш авлодни соғлом тарбиялаш, уларга мавжуд табиатимизни янада гўзал тарзда, тоза ҳолатда етказиш барчамизнинг бурчимиз бўлиши керак. Шундай экан, биз халқ вакиллари жойларда “яшил макон” умуммиллий лойиҳаларининг амалга оширилишида фаол иштирок этишимиз ва назоратга олишимиз лозим.

Мухторжон ХОЖИМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

125 МИЛЛИОН ТУП КЎЧАТ ЭКИЛАДИ

Маълумки, яшил масканлар, истироҳат боғлари қанча кўп бўлса, аҳоли уларда шунча мароқли ҳордиқ чиқаради. Табиат билан уйғунлашган яшиллик инсоннинг баҳри дилини очиб, кайфиятини кўтаради.



Шу боис, сўнгги йилларда юртимизда “Яшил макон” лойиҳаси доирасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган қисқа даврда лойиҳа асосида республикамизнинг барча гўшаларида кўплаб дарахт ва кўчатлар экилди.

Жорий йил баҳорда эса “Яшил макон” лойиҳаси доирасида 125 миллион туп кўчат экилиши мўлжалланган. Ҳудудларда боғлар яратиш, йўл бўйларида 10 қатордан дарахтлар экиш бўйича ишлар бошланган. Бу Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида яхши йўлга қўйилган.

Аммо айрим вилоят ва туманларда дарахт экадиган жойлар ҳалигача белгиланмагани кишини ўйлантиради. Президентимиз раислигида “Яшил макон” лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳамда чиқиндиларни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, мутасаддилар олдида аниқ вазифалар қўйилди.

Хусусан, дарахт экишни оммалаштириш бўйича ташаббус ва тарғибот етишмаётгани кўрсатиб ўтилиб, бу борада давлат ташкилотлари билан бирга маҳаллий кенгашлар, Экопартия

ва бошқа уюшмалар, маҳаллалар — ҳамма бирдам бўлиб ҳаракат қилса, жуда кўп боғлар яратилиши таъкидланди.

Айтиш жоизки, мамлакатнинг экологик сиёсатини амалга ошириш ва ўзининг сиёсий ташаббусларини тадбиқ этишда, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, атроф муҳит ва фуқаролар соғлиғини сақлаш, экологик муаммоларни ҳал этишда тизимли ўзгаришларга йўналтирилган амалий чораларни кўришда жамиятнинг барча кучларини сафарбар этиш муҳим омил бўлиб бормоқда.

Мазкур устуворликни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Экологик партияси мамлакатда атроф-муҳитни ҳолатини яхшилаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик муаммоларни яхлит ҳолда ҳал этишга қаратилган дастур ва ҳаракатлар стратегиясини шакллантириш ва илгари суришни муҳим, деб ҳисоблайди.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар эса Ўзбекистон Экологик партияси фаоллари ҳамда унинг парламентдаги фракцияси аъзолари зиммасига катта масъулият юклайди. Бу жараёнда биз, депутатлар бир

тану-бир жон бўлиб, юртимизни кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирок этамиз.

Яна билан муҳим масала. Бугунги кунда мамлакатимизда 9 минг 452 та маҳалла бор. Жумладан, шаҳарларда 39 мингта кўп қаватли уй мавжуд. Шу сабабли маҳалла фаоллари, бошқарув сервис компаниялари билан биргаликда барчамиз ўзимиз яшаётган ҳудудларда кўчатлар экилишига бош-қош бўлишимиз, бу хайрли ишларга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Зеро, йўллар ва каналлар бўйидаги ерларни талабгорларга тўғридан-тўғри шартнома асосида 10 йилга бериб, 5 қатордан кўчат эктириш тизими жорий қилинган. Бундан фойдаланиб, ҳозирги мавсумда ҳам кўплаб дарахтзорларга замин яратиш мумкин.

Умуман олганда, табиат, атроф-муҳитни асрашда ҳар биримиз аввало, ўзимиз, қолаверса, яқинларимиз, келажак авлод олдидаги масъулиятни ҳис этишимиз лозим. Зотан, бугун экилаётган ҳар бир ниҳол, эртага катта дарахтга айланади.

Наврўзбек ЮСУПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати

Бир дарёнинг икки соҳили

(Боши 1-саҳифада)

Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин”да туркман халқига бўлган хурматини ушбу сатрларда ифодалаган:

*Кўнгул бермиш сўзумга турк, жон ҳам,
Не ялғуз турк балки туркмон ҳам.*

Ушбу мисраларни ўқиган кишида беихтиёр савол туғилиши мумкин: Нима учун Навоий бу ерда туркларни туркманлардан ажратиб кўрсатяпти? Ахир, туркманлар ҳам туркий қавмлар таркибига киради-ку? Бу қарашни бошқа шеърларда ҳам учратиш мумкин:

*Навоий туркларни тарк қилса
айб қилмонгким,
Анга бир туркман маҳваши гами
маҳкам дўлошибдур.*

Турклар ва туркманларни бир-биридан айри ҳолда кўрсатиш Навоийдан кейинги асрларда ҳам кузатилган. Масалан, Хива хони Абулғозий Баҳодирхон ҳар икки халқнинг тарихи ҳақида иккита алоҳида асар — “Шажараи турк” (Турклар шажараси) ва “Шажараи тарокима” (туркманлар шажараси) китобларини ёзган.

Ўз асарларида Навоий туркман қавмига мансуб Адҳам Иброҳим, Мавлоно Сиррий, Наргисий, Нодирий исмли шоирларни, Шайх Лукмон Сарахсий, Хожа Аҳмад Ҳаммоод Сарахсий, Хожа Абулҳасан Сарахсий, Али Марвазий, Шахраф Марвазий сингари валий зотларни, Султон Тўғрул, Султон Санжар, Султон Яъқуб, Жаҳоншоҳ Мирзо сингари ҳукмдорларни алоҳида тилга олади.

Шу билан бирга Ҳазрат Навоий туркман заминининг қадимий марвариди Марв шаҳрида маълум муддат яшаган. Навоий ғазалларида Марв номи бир неча бор зикр этилиши ҳам бежиз эмас:

*Эй сабо кўздин учур Мозандароннинг
вардини,
Ким қилибмен сурма Марви
шоҳи жоннинг гардини.*

Ўз навбатида туркман мумтоз адабиёти ва фольклориди Алишер Навоий таъсирини яққол сезиш мумкин. Жумладан, Алишер Навоий ва султон Ҳусайн ўртасидаги дўстона муносабатлар туркман халқ оғзаки ижодидаги Мирали ва Султонсуюн образиди ўз аксини топади. Шунингдек, туркман халқининг “Гулфам” достонида ҳам Навоий сиймоси қардош туркман элининг қалбидан мустаҳкам жой эгаллаганини кўрсатади. Туркман хофизлари Навоий ғазалларини куйга солиб, хониш қилишган. Уларнинг репертуарида “Навоий” деб аталадиган махсус мақом ва куй ҳам мавжуд бўлган.

Махтумқули Фироғий, Андалиб, Давлатмамед Озодий сингари шоирлар ҳам Навоий асарларидан илҳомланишган. Масалан, Озодийнинг “Ваъзи Озод” асарида ўқиймиз:

*Каъба вайрон этмадан минг минг мартаба,
Бир кўнгул йиқмоқ ямондур эй дада!*

Бу байтлар ҳам Навоий шеърлари таъсирида дунёга келганини тахмин қилиш мумкин, жумладан Навоийнинг:

*Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин
шод айлагай,*

*Онча борким Каъба вайрон ўлса
обод айлагай, — матлаълини эслатади.*

“Махтумқули сўзлар тили туркманнинг”

Жорий йилда халқаро микёсда буюк туркман мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллиги кенг нишонланмоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ҳам мамлакатимизда улуғ шоир ижоди қанчалик қадрланишини яққол кўрсатади. Қарорда таъкидланганидек, Ўзбекистон дунёда Махтумқули асарлари энг кўп нашр қилинадиган ва ўқиладиган мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилиши, албатта бежиз эмас. Юртимизда мумтоз шоирнинг шеърлари ва улар асосида яратилган кўшиқлар кириб бормаган бирор-бир хонадон, унинг номини билмайдиган бирор-бир ўзбек топилмайди. Махтумқули асрлар мобайнида халқимизнинг ўз шоирига айланган. Унинг шеърлари ўзининг теран фалсафий маъноси, халқона руҳи, юксак бадиияти билан бахши ва хофизларимиз, шоирларимизга илҳом бағишлаб, ҳамиша давраларда янграб, эл-юртимиз қалбида яшаб келади.

Мазкур қарорда Махтумқули ҳаёти ва ижоди юзасидан қатор тадбирлар ўтказиш, танловлар ташкил этиш, китоблар нашр қилиш, Ўзбекистон ва Туркменистон кино усталари ҳамкорлигида Махтумқули Фироғийга бағишланган бадиий фильм яратиш кўзда тутилган.

Махтумқулининг ижодида Алишер Навоий, Бобур сингари ўзбек мутафаккир-шоирларига улкан эътимодини ва хурмати яққол сезилади:


*Хуросонда юрган устоз Навоий,
“Чор девон”и, “Фарҳод-Ширин”, рубоий,
Заҳридин Бобур “Мезон-авзони”
Қошларига бориб, мен Мажнун бўлсам.*

Асрлар давомида Махтумқулининг дўстлик, меҳр-муҳаббат, садоқат, адолат, инсонпарварлик ҳақидаги шеърлари халқимиз томонидан севиб ўқиб келинган, хофизларимиз ижросида куйланган:

*Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз,
Маърақада ўтириб-туришин кўринг.
Биров билан оино бўлай десангиз,
Аввал ваъдасинда туришин кўринг.*

Туркменистонга сафаримизнинг яна бир мақсади ҳам айнан мазкур фильмни суратга олиш бўйича туркменистонлик киноижодкорлар билан учрашиш, сценарий яратиш, ижрочилар, суратга олиш жойлари хусусида келишиб олишдан иборат эди. Ўзбекистонлик киноижодкорлар ва Ўғузхон номидаги “Туркманфильм” бирлашмаси вакиллари учрашувида ҳам фильмни суратга олиш бўйича кўпгина масалаларга аниқлик киритилди. Шунингдек, Туркий халқлар маданияти ташкилоти — ТУРКСОЙ томонидан уюштирилган “Туркман замини — буюк маданиятлар маскани” мавзусидаги халқаро анжуманда турли мамлакатлардан келган олимлар Махтумқули ижоди юзасидан маърузалари билан иштирок этишди.

Айни пайтда Туркменистонда буюк мутафаккир таваллудига бағишланган, “Ақл-идрок уммони — Махтумқули Фироғий” шоири тадбирлар давом этмоқда. Мамлакат жанубидаги Копетдоғ этакларида, Ашхобод яқинида Махтумқулининг 60 метрлик улкан ёдгорлиги қад ростламоқда.



Анау — Туркий дунё маданияти пойтахти

Туркменистон жанубидаги Анау (Аnew) шаҳри Турксоё халқаро ташкилоти томонидан 2024 йилда Туркий дунё маданияти пойтахти деб эълон қилинган. Илгари Эскишеҳир, Кастамону, Бурса (Туркия), Шеки, Шуша (Озарбайжон), Остона, Туркистон (Қозоғистон), Ўш (Қирғизистон), Қозон (Россия), Хива (Ўзбекистон), Марв (Туркменистон) сингари шаҳарлар ана шу шарафга лойиқ кўрилган.

Анау шаҳри етти минг йиллик тарихга эга. Бу ерда 1904 йилдаёқ буюк британиялик Рафаэл Пампелли бошчилигида археологик изланишлар бошланган. Тадқиқотлар Анау худуди минтақадаги энг қадимий манзилгоҳлардан бири эканини кўрсатади. Эрамиздан аввалги учинчи асрга мансуб Анау қалъаси харобалари бугунги кунгача етиб келган. Анау номининг келиб чиқиши ҳақида ҳам турли қарашлар мавжуд. Айрим тахминларга кўра Анау форсча Оби нав — янги сув сўзидан келиб чиққан. Шаҳарнинг қадимий осориатикаларидан бири Саййид Жамолиддин масжидидир. Ушбу обида XV асрнинг биринчи ярмида, Темурий ҳукмдор Шохрух Мирзо даврида қурилган. 1948 йилда юз берган даҳшатли зилзила пайтида жиддий зарар кўрган. Сўнгги йилларда масжид реконструкция қилинган.

Пойтахт Ашхободдан 20 километр масофада жойлашган Анау шаҳри дастлаб Аҳал вилояти Акбугдай тумани маркази бўлган. Дарвоқе, шаҳардан дунёда ягона Буғдой музейи ўрин олган. Бу ерда деҳқончилик маданияти, дон ва ун маҳсулотлари тарихи, намуналари билан танишиш мумкин. Айни пайтда Анау шаҳри вилоят маркази мақомига эга. Ҳозир шаҳарда 30 минг атрофида аҳоли истиқомат қилади.

25-28 март кунлари Туркменистонда Анау шаҳрининг Турк дунёси маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши муносабати билан ўтказилган байрам тантаналарида ўнлаб мамлакатлардан, жумладан Ўзбекистондан келган олимлар, санъаткорлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Шаҳар ташқарисидаги “Наврўз” сайилгоҳида халқ томошалари уюштирилди. Қозонларда миллий таомлар пиширилиб, иштирокчиларга тақдим этилди.

Айниқса, сайилгоҳдаги ўтов шаклини эслатувчи маданият маркази биносида турли миллат ва элат вакиллари иштирокида ўтказилган концерт дастури, куй-қўшиқ ва рақслар барчага бирдек манзур бўлди.

Рустам ЖАББОРОВ,
Тошкент – Ашхобод – Тошкент



Ҳасад қилмайдиган КИШИЛАР кўп яшайди

Николай Амосов машҳур жарроҳ, юракшунос олим эди. У бутун илмий фаолиятини юрак сирларини ўрганишга бағишлаган. Овозаси оламни тутган бу ғаройиб инсон бундан бир неча йиллар муқаддам хориж журналларидан бирига интервью беради ва бу суҳбат шов-шувга айланади. Унда олим инсон умри учун ўта муҳим нарсалар ҳақида мулоҳаза билдирган.

Ўқиймиз:

“Қариллик дегани нима? Аввало, бу ирсий хужайраларда белгилаб кўйилган табиий бир ҳолатдир. Ҳар қандай тирик вужудда ҳам дастлабки ўсиш ва ривожланиш, кўпайиш жараёнлари кечади. Кўпайиш дастури ниҳоясига етгач (асосан қирқ ёшга қадар), инсон энди табиат учун, ўз биологик турини давом эттириш учун ортиқ керак бўлмай қолади. Шундан сўнг қариш жараёни ўз йўли билан тезроқ ёки секинроқ кечаверади, бу энди одамнинг ўзига ато қилинган энергияни қай тариха сарфланишига боғлиқ.

Хайрон бўлманг, бизнинг ҳар биримизга ўлчаб берилган энергия захираси бор! Шу захирани сарф қилиб бўлдингизми тамом, бу дунё билан хайрлашаверинг! Бу фараз соф назарий мазмунга эга, агар ҳар қандай жонзот туғилган кунидан бошлаб шу энергияни иқтисод қилса, умри ўртача 30-40 фоиз узаяди.

Қарилликнинг иккинчи сабаби жигарда, буйракда, мия ва бошқа аъзоларда турмуш муаммолари туфайли турли хил асоратлар тўпланиб қолишидир. Бунда ташқи муҳит, бемаъни ҳаёт тарзи ҳам таъсирини ўтказиши. Ва шу тариха одам аста-секин сафдан чиқиб қола бошлайди... Ниҳоят, жисмоний залвор камаяди, машқий кўникмаларнинг бузилиши кучаяди. Бу қарилликнинг учинчи сабаби. Мен айтиш шундай:

ҳолат билан курашмоққа қарор қилдим.

Бунинг учун ҳар куни эрталаб уч километр масофага югурар эдим. Гимнастик машқларга келсак, ҳар бир машқдаги ҳаракатлар сони тўрт баравар оширилди. Ҳозир мен тўрт минг ҳаракат бажараман, шундан уч мингта сани гантел билан адо этаман. Гантелларнинг иккитаси беш килограммдан, биттаси ўн килограммдан иборат. Бундан ташқари, мунтазам равишда тош кўтариш машқлари билан ҳам шуғулланаман. Умумий ҳисоб билан айтганда, кунига уч-тўрт соат тош кўтариш машқлари билан банд бўламан. Қария одамга бундан бошқа қандай иш ҳам бўлсин? Бадантарбиядан сўнг албатта совуқ ваннага тушиб ювинаман. Илгарилари бундан кўрқардим. Қарангки, қариллик туйғуси йўқ бўлди, нафас олгандаги ҳансираб энтиқишлар ҳам барҳам топди. Яна аввалгидек бир оёқда туришга ўргандим. Бўлмаса, шимимни ўтирмасдан қия олмас эдим. Хотира, эслаш қобилиятига келсак, у мен ўйлагандек яхшилангани йўқ. Лекин қон айланиш кучайди, буни ҳар ярим йилда текширтириб тураман.

“Бемухлат тажрибаларим” давом этган шу икки йил мобайнида касалга чалинмадим. Сўнгги йилларда пайдо бўлган стенокардия белгилари ғойиб бўлди. Ҳаттоки эски “душманам” —

умуртқа поғонаси ҳам безовта қилмай турибди. Хуллас, ўзимни бутунлай соғлом сезмоқдаман. Энг муҳим ўзгариш шундан иборатки, вужудимда жисмоний бардамлик туйғусини ҳис қилиб турибман.

Табиийки, ҳаддан ташқари куч-қувват талаб қиладиган бундай машқларни бажариш учун қай тариха овқатланиш керак, деган савол туғилади. Кексаликнинг яна бир чатоқ томони шундаки, организмдаги сентиз суръати сусайиб, парчаланиш суръати ўзгаришсиз қолади. Бинобарин, кекса одам зарур миқдордаги оксилнинг парчаланишига эришмоқ учун ёш одамга нисбатан кўпроқ жисмоний ҳаракат билан банд бўлмоғи лозим. Шунинг учун мен овқатланиш режимини вазнимни қатъий назорат қилиб бориш асосида ташкил этганман. Тамадди қиладиган емакларим ҳам оддий. Асосийси, овқатнинг калорияси кам бўлиб, мева-сабзавотлар кўпроқ бўлиши керак. Чунки уларда витамин, микроэлементлар, яъни организм нима билан тирик бўлса, шу нарсаларнинг барчаси мавжуд. Мен кунига тахминан 300 грамм хом сабзавот маҳсулотлари ва 100-200 грамм олма тановул қиламан. Нонни иштаҳа билан ейман. Нонуштага ярим литрли кружкада сутли қаҳва ёки какао ичаман. Сариёғ, сметана истеъмол қилмайман. Сабзавотларга ўсимлик мойини хотиним жуда кам миқдорда солади. Гўштдан ҳам ўзимни тияман. Эрталаб бир дона котлет, кечкурун бир паррак колбаса менга кифоя.

Бундан ташқари, умрнинг узун-қисқалиги инсоннинг феъл-атворида ҳам боғлиқ. Бировга ҳасад қилмайдиган кишилар ҳаммадан узоқ умр кўради. Ён-атрофидагиларга хушмуомалада бўладиган оқсўнгил одамларнинг ҳам умри дароз бўлади.

Эшитишимга қараганда, ҳамкасбим, микрохирург Святослав Фёдоров ўз умрини программалаштириб чиққан эмиш, ҳатто кунини қачон битишини вақт-соати гача олдиндан аниқ билар эмиш. Агар менинг юрагим хаста бўлмаганида ва стимуляторга суяниб яшамаганимда эди, озми-кўпми ишонч билан 90 ёшгача яшайман деб айта олган бўлар эдим. Ҳозир эса...ҳозир менинг тажрибам исталган лаҳзада поёнига етиши мумкин... Боз устига, энди ҳаёт ҳам мен учун аввалги жозибасини йўқотди. Табиий эҳтиёжлар кескин камайди, ижтимоий манфаатлар барҳам топди, чунки менинг жамиятдаги мавқеим тубдан ўзгарди, севикли касбимга яроқсиз бўлиб қолдим. Шуҳратпарастлик мени ортиқ безовта қилмай қўйди.

Баъзан ўйга толиб қоламан: наҳот, ҳаёт аталмиш бу буюк қудрат, буюк уқубатнинг ниҳояси фақат шу бўлса? Очиқ эътироф этолмайман, аммо кўнглимнинг туб-тубида бир илинж милтиллаб туради: балки туйқусдан Худонинг жамоли намоён бўлиб қолар?! Инсон тафаккурининг ўзига хос жиҳати ҳам шунда. Бундан нарида ҳеч нарса йўқлигини билиб тураман, аммо барибир ҳаёл...”

Дилбар МАХМУДОВА
тайёрлади.

(Боши 1-саҳифада)

Келин, яъни Фарход Ализоданинг оналари эса озарбайжон миллатига мансуб аёл бўлиб, рус тилида яхши сўзлашган. Улкан турманинг темир дарвозасидаги ёнғок катталигичалик тирқишдан сўзлашган аёллар отасининг шу қиска фурсатда қанчалик озиб-тўзиб кетганини ҳис қиладилар. Саид Ризо Ализода тирқишдан неварасининг бармоқчаларини узатишини сўрайди келинидан. Гўдакнинг қўлчаларини қўлига олиб, авайлаб намланган кўзларига суртади ва дарвоза ортида турган яқинларига “Ҳали ёруғ кунлар келади, шу неварам кўп яхшилиқлар келтиради”, дея хайр-хўшлашади.

Икки афтодаҳол аёл турмадан кайтар экан, ўқимишли, маърифат тарқатиб юрган оталари албатта тез орада ёнимизга кайтади, деган умид билан исинишди. Аммо улар бу умидлари пучга чиқишини, олдинда уларни ҳали не-не кийинчиликлар кутаётганини тасаввур қила олишмасди, Саид Ризо Ализода айтган ёруғ кунлар келишига эса неча қаҳратон, неча қовун пишиғи ўтиши кераклигини ҳам билмасди улар.

“Халқ душмани”нинг боласиман...

Уйдаги келин, Фарход Ализоданинг оналари қўлида гўдаги ва тўрт фарзанди билан катта ҳовлида қолади. Ахир унинг турмуш ўртоғи, қолаверса Саид Ризо Ализоданинг икки укаси ҳам халқ душмани сифатида бир неча йилларга “кесилиб кетишди”.

— Каттаси ҳали эндиғини тўққиз ёшда бўлган, қўлида чақалоғи билан боқувчиларсиз қолган онамнинг ўша пайтдаги аҳволини тасаввур қилаверинг, — дея ўтмишни худди кечагина содир бўлган воқеалардай эслаб гапириб беради Фарход Ализода. — Мен 3-4 ёшларимда онам 8-март фабрикасига ишга чиқади. Урушнинг илк йиллари, онам ҳали кун ёришмай узун таёқ кўтариб ишга кетаётганларини эс-эс хотирлайман.

Нега деганда, иш соат саккиздан бошланар, уйимиздан то пиёда, айниқса кишда лой, кор қоплаган кўчалар, оч итлар хужум қилиб қолишдан кўриб боргунга қадар бир соат вақт сарфланарди. Ишга беш дақиқа кечиккан турмага равона бўларди. Эҳҳе, нималарни кўрмади одамлар бу даврда?! Дўкдан 20 грамм нон кам чиққани учун 10 йилга “кесилиб” кетганди рус миллатига мансуб бир янгам. Амаким 10 йил кутди рафикасининг қамокдан чиқишини. Шафқатсиз йиллар эди...

Шу тариқа орадан йиллар ўтди, яхши одамлар, қавму қариндошлар ёрдамида кун кўрдик. 7 ёшга тўлганимда бир воқеа ҳам бир умр хаёлимдан кетмайди. Ўша йили Самарқандда бир юкумли касаллик тарқалади. Онам ҳам шу хасталикка чалинди, у кишининг ҳарорати кўтарилиб, ранглари сарғайиб кетди, уйда пул ҳам, егулик ҳам тугаган. Шунда онам зўрға ўринларидан туриб, ичкари уйдан, бир даста газета чиқариб бердилар ва менга уларни бозорга олиб бориб нос сотгичларга пуллаб келишимни айтдилар. Қайтишда ундан тушган пулга дори ва егулик олишим керак эди. 7 ёшли бола бир даста газетани олиб пиёда йўлга тушдим. Ўша пайтлари аҳоли “кукушка” деб атайдиган транспорт вокзалдан Сиеб бозоригача, эрталаб ва кечкурун қатнардан шаҳар ичида. Мен эса қоқ тушда йўлга чиққанман. Хуллас, бозорга бориб, газетани энди сота бошлаганимни биланман, форма кийган одам чайқовчилик



қилаяпсанми, деб қўлимдан тортиб, бир қоп-қора машинага ўтказиб қўйди. У ерда мендан бошқа, ёши катта одамлар ҳам бор эди. Уларнинг гап-сўзидан аниқладимки, ўша кун НКВД ходимлари бозорда чайқовчилик қилапти, деган гумонда бўлганларни ушлаб кетаётган кун экан. Куннинг кизигида машинани ичида ўтирдик қарийб кечгача. Кеч тушгач, хибсхонага олиб боришди. Камерада ёши улугроқ бир киши менга раҳми келди, шекилли, эгнидаги яктагини тўшаб, жой ҳозирлади, шу ҳолимча ухлаб қолибман. Турганимдан сўнг мени сўроққа чақирдишди.

- Нега газета сотдинг?
- Уйда онам касал, пулимиз йўқ.
- Эркак киши йўқми уйда, боқувчиларинг ким?
- Улар қамокда...бобом, дадам...
- Уларам ўғридрида, ўғрининг боласи экансанда!
- Йўқ, улар халқ душмани...

Шундай дейишимни биланман, чакагимга шунақа мушт урилдики, ҳалиям унинг зарбини эсламан. Бурним қонаб, ерга ағанаб тушдим, унинг қаҳр билан “халқ душманининг боласиман!” деган гапи қулоғимда қолди. Ҳали оқу қорани таниб улгурмаганман, кўни кўшнларнинг “халқ душманининг болалари” деган гапи қулоғимда қолган эди, соддалик билан уларга шуни айтиб юборибман. Хуллас, менга тунги 2 ларда кетавер, деб жавоб беришади. Ярим кечаси, кўчалар қоп қоронғу, оч-наҳор, дорисиз уйга етволлишим керак эди. Ярим йўлга етганимда бечора онажоним бир аҳволда мени излаб юрган экан, икковимиз амаллаб уйга етволдик.

“Саид Ризо Ализода ноҳақ қамалган”

Дадам, амакиларим эртароқ чикди. Совуқ ўлкаларда ўрмондан кесилган дарахларни дарёдан олиб ўтиш билан шуғуллангани учун нимжон, яримжон бўлиб қайтдилар. Ҳаёт давом этаверар экан, аста-секинлик билан изга туша бошлади. Турмушимиз, ҳаётимиз яхшилана бошлади. Аммо бобом қайтмади...

Мен Самарқанд шаҳридаги 14-мактабни тугатдим, кейин армияга кетдим. 1959 йилда Ивановода хизматни ўтаб, армиядан қайтиб келганимда, отам мени бир мактуб билан кутиб олдилар. Саид Ризо Ализода ноҳақ қамалган, мазмундаги мактубни дадам билан йиғлаб ўқидик. “Мен ҳаммасини суриштираман, ҳаммаларингиз оқланишларингиз керак! Мен армияда биттагина арзимас айбим учун уч кунгина қарцерга тушгандим. Уч кун бир асрдай туюлганди. Сиз шунча йил қандай чидадингиз дада, ахир? Қилдай айбингиз бўлса ҳам алам қилмайди, ҳеч бир айбисиз одам қандай бардош бериши мумкин бу азобларга? Бобомчи? Унинг

айби мактаб очгани, маърифат тарқатганими? Совуқ ўлкаларда хор бўлиб...” Алам билан айтган гапларимга дадам титраб, аммо босиқлик билан бир оғиз жавоб бердилар, холос. “Ўғлим, уч кун бўлса ҳам камера нима эканлигини кўрибсан. Бошқа кўрма, илтимос. Замон ҳали нотинч...”

Ҳақсизликларни кўравериб, юрагини олдириб қўйган отам бечора бу хатдан хурсанд бўлишним, қуёнишним билмай ўтирганди, аслида. Бу орада тақдир мени Озарбайжон юртига ризк теришга йўллади. Онам озарбайжон миллатига мансуб аёл бўлганлари учун у ерда қариндошларимиз бор эди ва ўша ерда ўқиб, ишлашимга яхши имкон борлиги учун рафикам билан Бакуга қараб йўл олдик. Каспий денгизининг Озарбайжонга тегишли қисмида нефть-газ разведкаси билан шуғулланувчи трестда геолог бўлиб ишладим узок йиллар. Ўн йиллардан сўнг отам, онам ачка кекса бўлиб қолганлари учун яна Ватанга, Самарқандга қайтдик.

Туш

1977 йилнинг баҳор ойларида бир туш кўрдим. Тушимга оппоқ кийимда бобом кириб, чорраҳадаги мана шу уйда, дея аниқ таъриф билан бир ҳовлини айтдилар. Ўша ерда менинг китобларим бор, уларни уйга олиб келиб қўй, дедилар. Дадамга бу ҳақда айтгандим, у уйни билишларини, унда яшовчи киши билан бобом бирга ишлаганларини айтди. Буни қарангки, кейинги кун яна айнан шу тушни кўрдим. Сўнг аниқ шахд билан дадамни олиб, ўша ҳовлига бордик. Аввалига уй эгалари унашмади, аммо аниқ фикрларни айтганимиздан сўнг, ичкарига таклиф этишди. Ростдан ҳам бир жавон китоблар орасида бобомга тегишли бўлганлари ҳам бор экан, уларни кўзда ёш билан уйга олиб келдик. Шундан сўнг бобом ҳаёти билан боғлиқ барча воқеликларни тиклашим, унинг номини оқлашим кераклигини чуқурроқ аниқладим.

Ўша йили, яъни 1977 йилда Россияга қараб йўл олдим. Биринчи навбатда бобомнинг хокини ватанига қайтаришим керак эди. Москвадан 180 километр узокликда жойлашган Владимир турмасига бориб, қайси эшикларга бош уриб, кимлар билан қардонлашиб кетганларимни айтиб берсам, шунинг ўзи бир китоб бўлади. Аммо бир нимани айтишим керак: қаерга бормайин, бобомнинг амалга оширган ишларини эшитганларнинг ўзи ёрдамга чоғланди. Чунки Ўзбекистондан борган бир оддий фуқаронинг Владимир турмахонасигача бориб, у ердан бобосини хокини, делосини олишдай ишни амалга ошириш ўша йиллар учун осон эмасди. Эсимдан чикмайдигани, бобомнинг делосини кўздан кечириётган қамокхона хўжайини бир кекса аёлни

хузурига чақиртириб бобом ҳақда сўрай бошлади. “Ҳа, ўша пайтлар мен ишлаганман, Саид Ризо Ализода жуда дунёқараши кенг инсон эди, бир неча тилларни билишдан хайратланганман. Қамокхона кутубхонасига жуда кўп келарди...” Ўша кекса аёл кўзимга қадри бир инсонимдай кўринди, тўғриси.

Жонли энциклопедия

Фарход Ализоданинг бевосита елиб-югуришлари, ташаббуси билан Саид Ризо Ализода уй музейи ташкил этилди, Самарқанд шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби ва кўча улуг маърифатпарвар номи билан аталди, кўча бошига бюсти ўрнатилди.

Фарход Ализода бу ишларга бутун умрини сарфляпти. У киши билан гаплашаркансиз, катта бир тарих китоб ўқиётгандай бўласиз. Ҳозир шу ёшида ҳам армиядаги командири дейсизми, биринчи синфда дарс берган ўқитувчисими, ёки ўша йиллари ўзи юрган кўчалар номларими, қайси давлатда, ким билан учрашгани ҳаммасини номма ном, исм-фамилияси билан адашмай айтиб беради. Нақ энциклопедия, дейсиз. Ўжарлиги, қайсарлиги ҳам бор гап. Максадидан ортга чекинмайди. Эҳтимол, шунинг учундир, бугун музейда йиғилган маълумотлар эҳҳе нечта бир илмий ишга асос бўлиши мумкин. Қанчадан-қанча манба йиғилган бу ерда. Покистон, Эрон, Туркия каби давлатларда бўлиб, бобосининг китобларини келтиришга муваффақ бўлади. Асли касби геолог кишининг бобоси ишларига бу қадар фидолик билан ёндашгани кишини хайратга солади. Ахир, бобоси туғул отаси амалга оширган улуг ишлардан бебаҳра ўтган фарзандлар камми? Бобосининг нима иш қилганини тушунмай ўтиб кетаётган неваралар оз дейсизми? Балки бобоси олис ўлкаларга кетаётиб, мурғак гўдакнинг қўлларини кўзига суртар экан, ички бир савқи табиий билан ҳаётига рўшнолик айнан шу невараси орқали келишини сездиргандир. Шунинг учун ҳам энг мураккаб йиллари амалга оширган саъй-ҳаракатларига бобосининг руҳи қўллаб турганмикан? Ваҳоланки, яхшигина касби орқали, кейинроқ эса ўзига яраша хурматга сазовор фарзандлари қанотида, тинчгина, хотиржам яшаши мумкин эди Фарход Ализода. Аммо у бугунги ёшида ҳам тинчгина яшамайди, хужжат варақлайди, китоб титқилайди, бобосининг қайси китоби, қайси мақоласи, қайси рисоласи қаерда, ҳаммасини ёдида сақлайди, ҳар бир хужайрасигача ўша асарлар, китоблар, газета, журналлар билан тўйиниб кетган. Шундай инсонни маъдан қидирувчи эмас, маърифат қидирувчи геолог, бугуннинг жадиди, дегим келади.

Гулрух МЎМИНОВА.

ИЛМ — САОДАТ КАЛИТИ



Хар бир инсон дунёга келар экан, илм олишга интилади. Хадисларда ҳам: “Бешикдан то қабргача илм изла” деб бежиз айтилмаган. Илм олиш инсонга, аввало ўзини, сўнгра оламни англашига замин яратади. Илм олиш, етук олим бўлиб етишиш — инсонни комилликка элтади. Муқаддас китобимиз Қуръони каримнинг илк нозил бўлган “Алақ” сурасининг 1-5 оятларида ҳам Аллох инсонларни илм олишга, ўқишга, жоҳилликдан маърифат сари йўл олишга даъват этган.

Илмли билан илмсиз тенг бўлмайди. Илмли инсон бор жойда доимо ўсиш, ривожланиш, ёруғлик бўлади. Билимсизлик эса аксинча мағлубият, ёвузликни келтириб чиқаради. Билмаслик айб эмас, ўрганишга интилмаслик айбдир. Ибн Масъуд инсон билмаганини билиши ҳам илмдир, дейди. Чунки инсон билмаганини билса, ўрганишга интилади. Инсон ўқигани, янги билимларни эгаллагани сари ҳеч нарсани билмас эканлигини англаб етади. Сукрот: «Барча билганларим, ҳеч нарса билмаслигимдир», — дея энг буюк ҳақиқатни эътироф этади. Ўрганганларимиз қанча кўп бўлса ҳам, билмайдиганларимиз олдида заррадан ҳам кичкинадир.

Бугунги глобализация ва илғор ахборот технологиялари даврида ўқишга, янги билимларни эгаллаш учун барча имконият мавжуд. Улардан фойдаланмаслик, билим олмаслик катта хатодир. Ҳазрати Али: «Илм пастда турганларни юкори даражага кўтаради. Билимсизлик

эса тепада турганларни пастга туширади. Илм мол-давлатдан устундир, чунки бойликни сен асрайсан. Илм эса сени асрайди», деганлар.

Бугунги кунда юртимизда кўплаб олий таълим муассасалари, нодавлат таълим масканлари, турли соҳани ўргатувчи ўқув марказлар ва курслари фаолият юритиб келмоқда. Аксарият ёшлар мактаб ва университетдан бўш вақтларида кўшимча дарсларга бориб, янги билимлар ва кўникмаларни эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Албатта, бу қувонарли ҳолат. Бироқ, беш қўл баробар бўлмагани каби, мактабни аранг битириб, чет давлатларга ишлашга кетаётганлар ёки қора меҳнат қиладиган ёшлар ҳам топилади. Энг ачинарлиси, уларнинг баъзилари имконияти бўлмаганлигидан ёки молиявий ночор эканлигидан эмас, балки илмга беписандлиги учун ўқимайдилар. Гўёки, «...ўқиб давлат ишида ишлашни хоҳламаймман», «...ўқиб олим бўлармидим» қабилдаги қарашлар билан ўзларини оқлайдилар. Мана шундай нотўғри

тушунчарни аввало оиладан бартараф қилиш лозим. Хар бир ота-она ўз фарзандида илм олишга бўлган муҳаббатни уйғотиши, уни ривожлантириши, ўзи намуна бўлиши, китоб ўқишга бўлган қизиқишини ошириши мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, интернет ҳамда ижтимоий тармоқларнинг кенг тарқалиши ёшлар қарини тобора ўз гирдобига тортиб кетмоқда. Одамлар бўш вақт топилиши билан, телефонда машғул бўладилар. Бу эса вақтнинг қандай ўтаётганини сездирмайди. Натижада, қайтариб бўлмайдиган инсоннинг вақти, қолаверса умри, беҳуда видео ва расмларни кўриш билан ўтади. Мана шу интернетга сарфлаган вақт китоб ўқишга, тил ўрганишга, янги билимларни эгаллашга сарфланса, қандай ҳам чиройли натижаларга эришиш имконияти туғилган бўлар эди.

«Билим — бу куч» — дейди Френцис Басон. Дарҳақиқат, илмли инсон ҳаётда доимо ўз ўрнига ва ҳурматига эга бўлади. Бироқ, илм ўрганишнинг ўзи етарли эмас. «Менга айтинг ва мен унутаман, менга ўргатинг ва балки мен эслаб қоларман, мени шунга жалб қилинг ва мен ўрганаман» деган эди Конфуций. Демак, инсонлар нафақат ўрганишлари, балки эгаллаган билимларини ҳаётларида қўллашлари, бу билимларни бошқаларга ҳам

ўргатишлари муҳимдир.

Илмнинг завқини билганлар бу хузурни бошқа ҳеч нарсага тенглаштири олмайди. Мана шундай инсонлар кеча-кундуз демасдан бутун умрларини илмга бағишлайдилар. Ҳатто ухлашга, овқатланишга кетган вақтларини катта йўқотиш, деб биладилар. Чунки илмнинг мазасини бошқа бирор нарсада топа олмайдилар. Инглиз тарихчиси ва сиёсатчиси Гиббон «Ўқишни бошқа ҳеч бир хазинага алмаштирмаймман», деган эди. Хар ҳолда у илмнинг инсон ҳаётидаги ўрнини оз бўлса-да, ифодалай олган.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, инсон доимо ўқиши, изланиши, илм олишга интилиши, ҳамда ҳаёт йўлини ҳамшиша маърифат ёғдуси ила ёритиб яшаши — уни саодатга етаклайди.

Найира ИБРАГИМОВА,
Муҳаммад ал-Хоразмий
номидаги Тошкент ахборот
технологиялари университети
Чет тиллар кафедраси, фалсафа
фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

Анжуман



Мустаҳкам, ишончли ва хавфсиз

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида жорий йилнинг 15 март кунидан 15 апрель кунига қадар “Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва фуқаро муҳофазаси ойлиги” ўтказилмоқда. Шу муносабат билан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида “Бино ва иншоотларнинг ёнғин ва сейсмикбардошлигини таъминлаш соҳасидаги муаммолар ва уларнинг илмий асосланган ечимлари” мавзусида республика илмий-амалий анжуман ташкил қилинди.

шунчалар бериш, уларнинг бу соҳадаги билимларини бойитиш, шу билан биргаликда ушбу соҳаларда ўз ечимини кутаётган муаммоларга жавоб бера оладиган тавсиялар, илмий ишланмаларни ишлаб чиқиш ва амалий кўникмаларни янада шакллантиришдан иборатдир.

Тадбирни Академия бошлиғининг биринчи ўринбосари Одилжон Зиядуллаев очиб, иқлим ўзгариши ва табиий офатлар хавфига нисбатан жавоб чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг самарали норматив-ҳуқуқий ва институционал базани мустаҳкамлаш ҳамда 2015–2030-йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастурида белгиланган табиий офатлар хавфи масалаларига, шу жумладан, иқлим ўзгариши муаммоларига жаҳон ҳамжамиятининг янги ёндашувлари асосида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, сўнгги йилларда республикада ёнғинлар профилактикаси самардорлигини ошириш ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш, фуқаролар ҳаёти ҳамда соғлигининг, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш имкониятини берувчи яхлит ёнғин хавфсизлиги тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилганини қайд этиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази, Адлия вазирлиги хузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази, Фавқулодда вазиятлар муаммолари ва ёнғин хавфсизлиги илмий-тадқиқот институти, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёнғин хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар муаммолари илмий-тадқиқот институти, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, олий таълим ташкилотлари вакиллари, ФВВ Академияси хузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Асосий мақсад — бино ва иншоотларнинг ёнғин ва сейсмикбардошлигини ўрганиш, уларнинг мустаҳкамлиги, ишончлиги, оловбардошлигини оширишга йўналтирилган замонавий усул ва инновацион технологияларини жорий этиш, аҳоли ҳамда ҳудудларни турли табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан самарали муҳофаза қилиш, аҳолини фавқулодда вазиятлар содир бўлганда ҳаракат қилишга тайёрлаш ҳамда курсантларга замонавий назарий ва амалий ту-

Сўзга чиққанлар, фуқаро муҳофазаси муаммоларини ҳал этиш, табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга йўналтирилган фундаментал ва амалий-илмий тадқиқотлар, конструкторлик ишланмаларини янада такомиллаштириш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш, табиий офатлар, авария ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш, ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг барча тоифаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга сафарбар этишга доир билимларни аҳоли ўртасида оммалаштириш, мазкур йўналишдаги инновацион технологияларни қўллаш самардорлигини оширишда қўл келадиган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилган кенг фикр-мулоҳазаларни билдирдилар.

Мухтасар қилиб айтганда, юртимизда қад кўтараётган бир-бирдан кўркам кўп қаватли бино-иншоотларимизни халқаро стандартларга мос келиши ва ёнғинга бардошлилигига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳамда замонавий технологиялар асосида мустаҳкамлигини ошириш орқали содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олган бўламиз.

Фарҳоджон ХОЖАЕВ,
ФВВ Академияси
катта ўқитувчиси, майор.

“Тахтиқорача”га

“Амирсой”даги шароит нега йўқ?

Бу йил киш одатдагидан анча илиқ келиб, ёғингарчилик кам кузатилди. Кишнинг иккинчи оғи тугашига оз фурсат қолганда табиат бизни қор билан сийлади. Бироқ кунлар илигач, қорлар ҳам тезда эриб кетди, аксарият худудларда дарахтлар гуллади, бойчечаклар бўй кўрсатди. Ҳозир киш зийнати фақат тоғлардагина кўришимиз мумкин.

Омонқўтон қишлоғи Ургут тоғлари орасидаги Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларини боғловчи “Тахтиқорача” довоида жойлашган. Худуднинг сўлим табиати, соф ҳавоси ўзига хос бўлиб, айни киш фаслида ҳам мафтункор ва доим одамлар билан гавжум. Айниқса, дам олиш кунлари ишдан чалғиш, оила ва дўстлар даврасида ҳордиқ чиқариш учун тоққа чиқади-ганлар кўп.

Аммо кир-адирликлардан иборат ушбу худудда киш фаслида дам олиш учун шароит йўқ, хавфсизлик чоралари кўрилмаган, ҳатто ён-атрофга бирорта тақиқланган белги ўрнатилмаган. Шундай бўлса-да, одамлар нафақат ўзи, балки фарзандларининг ҳаётини ҳам хавфга қўйиб, тоққа чиқяпти. “Тахтиқорача” довоида бунга гувоҳ бўлдик.

– Қарши шаҳрида яшаймиз, дам олиш кунидан фойдаланиб, оиламиз билан “Тахтиқорача” довоига келдик, – дейди Гулчехра Қулмуродова. – Бу йил шаҳарда деярли қор ёғмади. Фарзандларим қорга олиб боринг, тоғга чиқайлик деб қўйишмади. Тўғри, бу ерда киш кунлари дам олишга шароит йўқ, лекин болалар учун бунга мажбурмиз. Тошкентдаги “Чимён”, “Амирсой” ҳам худди шундай жойлар, лекин у ерда барча шароитлар яратилган.

“Тахтиқорача” довои Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари ўрталлигида жойлашган ва иккала вилоят аҳолисининг келиши учун қулай жой. Қолаверса, бу ерга хорижлик сайёҳлар ҳам кўп келади. Агар кишда ҳам худудда дам олиш учун зарур шароитлар яратилса, нафақат маҳаллий,

балки хорижлик сайёҳлар оқими ҳам кўпаярди.

Омонқўтон қишлоғи аҳолиси асосан чорвачилик, деҳқончилик ва богдорчилик билан шуғулланади. Шу билан бирга, фуқаролар томонидан яшаш уйлари ва белгиланган худудларда дам олиш учун махсус жойлар ҳам ташкил қилинган бўлиб, бу ерларда асосан баҳор ва ёз ойлари, очик ҳавода ҳордиқ чиқариш, шу ернинг ўзида овқат тайёрлаб, таом буюртма бериш мумкин. Бироқ айни пайтда тоққа дам олиш учун келганларнинг аксарияти ўз билганича ҳордиқ чиқаряпти. Масалан, еб-ичардан қолган чикитлар, тоғ қаърига улоқтирилган идишлар, дарахт шохларининг кесилиш ҳолатлари тоғнинг хушманзара табиатига зиён келтиряпти. Бунинг устига ушбу худудда биронта масъулнинг йўқлиги, бор бўлса-да, ўзини кўрмасликка олаётгани дилни хира қилди.

Албатта, табиат қўйнида дам олишни билишмайди, деб айбни фақат одамларга ағдариш хато бўлади. Чунки доводда кишда дам олиш учун на шароит, на бир меъёр бор. Қаршилиқ опа айтганидек, одамлар ўз эҳтиёжини қондиришга “мажбур” бўлмоқда. “Чимён” ва “Амирсой”даги шароит “Тахтиқорача”да ҳам яратилмас экан, табиат инъом этган манзараларга зиён етаверади. Табиат эса бизни “кечирмайди”.

Фазлиддин РЎЗИБОЕВ.

ЖАМИЯТ

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-410
Адади: 1015.

Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани,
Новза кўчаси, 14-уй
Маълумот учун телефонлар:
98-111-48-29
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@mail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР, КЕЛГУСИДАГИ РЕЖАЛАР

«Микрокредитбанк» АТБ томонидан 2023-йилда амалга оширилган ишлар мавзусида Матбуот анжумани ўтказилди

Жорий йилнинг 19-март куни Миллий матбуот марказида Микрокредитбанк АТБ томонидан 2023-йил давомида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижаларга бағишланган навбатдаги Матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари А.Ҳамидов, журналист ва блогерлар иштирок этди.

Матбуот анжуманида у банкнинг 2025-йилгача ривожлантириш стратегияси бўйича ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирлар ижросининг таъминланиши натижасида 2023-йилда қуйидаги ижобий кўрсаткичларга эришганини таъкидлаб ўтди.

Жумладан:

банк капитали қарийб 4 трлн. сўмга;
умумий активлар 12 фоизга ошиб,
19 трлн. сўмга;

кредит портфелини 1,5 трлн.сўмга ошишига эришилди;

банкдаги умумий депозитлар қолдиғи 6,3 трлн.сўмга етган ҳолда 2023-йилда 900,0 млрд.сўмлик қўшимча маблағ жалб қилинди.



Ҳисобот даврида банк томонидан, АҚШ, Европа, Япония, Саудия Арабистони ҳамда Жаҳон банки гуруҳига қиравчи молия институтлари билан тузилган 12 та шартномага асосан 250,2 млн.доллар маблағлари жалб қилинди.

Жалб қилинган ресурслар ҳисобидан барча молиялаштириш манбалари бўйича ўтган йилда 184 427 нафар мижозга 5,1 трлн. сўм кредит ажратилиб, қарийб 99 169 та янги иш ўринлари яратилди.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 2023-йилда 4,4 трлн.сўм (1,8 трлн. сўм банк кредити) қийматдаги 859 та лойиҳалар ишга туширилди ва натижада 11 897 та янги иш ўринлари яратилди.

Банкка бириктирилган паррандачилик соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 152 млрд. сўм кредитлар ажратилиб 279 та паррандачилик корхоналари (йиллик 1 571 млн.дона ту-

хум, 68 367 тонна гўшт, 241 460 тонна озуқа-ем маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати яратилди, 1 305 та янги иш ўринлари яратилди) фаолиятининг узлуксизлиги таъминланди.

Умумий ҳисобда банкнинг молиявий кўмаги ҳисобига 2023 йилда 10 942 та янги тадбиркорлик субъектлари пайдо бўлди.

Банкда кредитлар ажратиш билан бирга, аввал ажратилган кредитларнинг қайтарилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, кредит шартномаларига асосан 2023-йилда қайтарилиши лозим бўлган 4,4 трлн. сўм кредит тўловлари ундирилди, шундан 1,6 трлн. сўми оилавий тадбиркорлик йўналишида ажратилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

Матбуот анжумани давомида берилган саволларга атрофлича жавоблар қайтарилди.

Банк Ахборот хизмати

Устоз ибрати

Самарқанд вилояти ҳокимлиги нашри — “Зарафшон”га ишга кирганимга, Фармон ака билан бирга ишлай бошлаганимга йигирма йилдан ошди, бир йигит ёши. Таҳририятга келганимда ўзим ҳам ёш йигит эдим. Талабалик чоғимдан газеталарда ишлаган бўлсам ҳам ҳақиқий газетчиликни шу даргоҳга келиб ҳис қилдим. Аввал ҳам ёзганман, кўпчилик яхши билади — қаерда ишлаганидан ёки энди ишга қираётганидан қатъи назар, “Зарафшон”га келган ходим ишни мусаххих ёрдамчилигидан ёки техник ходимликдан бошлайди. Кейин босқичма-босқич мухбир, катта мухбир, бўлим бошлиғи ва бошқа лавозимларга ўтади. Шу тарзда ходим газетачиликнинг барча йўллари босиб ўтади, пишади. Бу қондага айланган тартиб. Камина ҳам шу йўлдан ўтганман.



Лекин таҳририятда бош муҳаррир Фармон Тошев билан бирга бош муҳаррир ўринбосари Тоғаймурод Шомуродов, масъул котиб, раҳматли Адҳам Ҳайитов, бўлим бошлиқлари — Сулаймон Ҳусайнов, Меҳринисо Кўбаева сингари ёши биздан анча катта, тажрибали журналистлар бор эдики уларнинг иши, юриш-туриши биз учун ибрат, соҳани ўрганишимиз учун мактаб вази-фасини ўтаган.

Кейинчалик кўп эшитган бўлсам-да, ишга киришимда Фармон аканинг айтган гапи ҳеч эсимдан чиқмайди.

— Билиб қўй, ҳеч кимни қош-қўзига қараб ишга олмаганмиз ёки бирорта қариндошим таҳририятда ишламайди. Иқтидори, меҳнатига қараб ишга қабул қилганмиз. Шунинг эсингда тут — одам хато қилиши, адашиши мумкин, айрим қусурлари чиқади, буларни кечирса, хатоларни тузатса бўлади. Лекин таҳририятга, журналистикага хиёнат қилган одамни кечиролмайман. Меҳрим кучли, аммо қаҳрим ҳам ёмон, — деганди.

Ўтган йиллар давомида устознинг бу гапларига амалда ҳам гувоҳ бўлдим. Ҳар бир ходимнинг тақдири, келажаги учун қайғургани, бунинг учун ўз ҳаловатидан кечганини кўрдим. Баъзида ходимларнинг хатоси учун раҳбарлардан кечирим сўрагани ёки ҳимоя қилганини яхши биламан. Ана шундай пайтларда ўзи изтироб чекса-да, бунинг бизга сез-дирмасди, аммо бу ҳолат бизга сабоқ бўларди.

Айрим ҳамкасбларимиз бошқа ишга ўтганда ҳам уларни раҳбар ёки ёнидаги инсонлардан сўраб туради, яхши сифатларини айтиб, қўллаб-қувватлашни тайинлайди. Айниқса, пойтахтга ёки бошқа вилоятга кетган шогирдларини тез-тез йўқлаб туриш, ишини сўрашдан ташқари, қандай ҳаёт кечириётгани билан ҳам қизиқиб, уларга ёрдам беришга ҳаракат қилади. Ва бизга ҳам ҳамкасбларимизга нисбатан шундай муносабатда бўлишимизни тайинлайди.

Бир неча йиллар олдин ҳамкасбларимиздан бири оилавий шароити сабаб туманга қайтиб кетадиган бўлиб қолди. Аввалига Фармон ака унга сайёр мухбир сифатида ишлашни таклиф қилди, аммо бу ҳам унга қийинчилик туғдиргач, ўзи тумандан иш топиб, ҳамкасбимиз ўша ишга жойлашгач, унинг аризасига қўл қўйганди. Кейинчалик ҳам унга тумандаги янгиликларни таҳририятга йўллаб туришни айтар ёки бирор мавзуда мақола ёзиб беришини сўрарди. Бизни тез-тез ўша туманга хизмат сафарига юбориб, ҳамкасбимиз билан учрашиб туришимизга ва шу орқали унинг тумандаги иши изга тушиб кетишига имконият яратиб берганди.

Устознинг биз учун энг катта ибрати касбга меҳри ва уни улуғлашида. Раҳбарлик, депутатлик ва сенаторлик ишларидан ортиб ҳар куни газета учун нимадир ёзишга ҳаракат қилади ва бизни ҳам шунга даъват этади. Ҳатто кўп йиллар олдин жарроҳлик амалиёти ўтказгач, шифокорлар узок вақт ўтириш мумкин эмаслигини айтганда тик туриб ёзишга мўлжалланган стол ясашиб, мақолалар ёзганди.

Фармон аканинг яна бир яхши, таъбир жоиз бўлса, ўрганишимиз керак бўлган одати ёзганларини газетада чоп этишдан аввал бизга ўқитиб, фикримизни сўрайди. Бўлмаса, эллик йиллик журналист, тажрибаси ва билими ҳам таҳририятдаги бошқа ходимлардан анча устун, мақола тепасида “номерга” деб имзо қўйиб бериши ҳам мумкин. Лекин, аввал таҳририятдагиларнинг фикрини билиб, кейин чоп этишга беради. Ва энг муҳими, билдирган мулоҳазаларимизни қабул қилади, мақолага қўшимча ёки ўзгартириш киритади.

Устознинг бадиий ижоди ҳам тинимсиз меҳнат, изланишдан иборат десак, хато бўлмайди. Телеграм ижтимоий тармоғида саҳифа очгач, ўзи қайд этганидек, кўнглидан кечган барча фикрларни кузатувчилар билан баҳам кўришни истаб, ҳар тонг бирор ҳикмат ёки ижод намуналаридан жойлаштириб боради. Кейин улар жамланиб, китоб

бўлади. Шунинг учун ҳам кейинги пайтда ҳар йили бир нечта китоби нашр этилмоқда. Яқинда санаб кўрдик, китоблари қирккага яқинлашиб қолибди. Яқин кунларда бу асарлар беш жилддан иборат сайланмада нашр этилмоқда.

Дарвоқе, китоб ҳақида гапирганда устоз ташаббуси билан “Зарафшон” газетаси кутубхонасидан” рукни остида китоблар чоп этилаётганини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Ҳар йили ҳамкасбларимиз ва самарқандлик ижодкорларнинг энг сара асарлари таҳририят ҳисобидан шу рукнда чоп этилмоқда. Бугунга келиб ушбу туркумдаги китоблар 100 дан ошиб кетди. Биргина ўтган йил газетамизнинг 110 йиллиги муносабати билан ўндан ортиқ китоб тайёрладик. Улар орасида газета ва таҳририят тарихига оид, “Зарафшон”чилар мақола ва ижодий асарлари билан бирга Самарқанд илмий-ижодий муҳитига доир “Самарқанд академиклари”, “Ўзбек тилининг чаппа луғати” китоблари ҳам чоп этилди.

Фармон ака ёзиш билан бирга кўп ўқийди. Баъзида ҳазиломуз тарзда “фақат ёзувчи бўлиб қолмай, ўқувчи ҳам бўлинглар” дейди ва ўзи ўқийётган асарлар ҳақида гапириб беради ёки ўша китобларни келтириб, ўқиб чиқишимизни айтади. Ҳикматли сўзлар ва мақоллардан иборат китоб ҳар бир ходимнинг столида бўлиши лозим, дейди.

Таҳририят қошида кутубхона, Зарафшон воҳаси матбуоти тарихи музейи, “Журналистик маҳорат мактаби” ташкил этилиши, турли грант ва танловларда қатнашиш, спорт мусобақалари, китоб тақдимотлари ва яна бошқа ўнлаб лойиҳалар ҳам устоз ташаббуси билан амалга ошириб келинаётганини айтиш лозим.

Фармон аканинг гапга чечан ва ҳозиржавоблиги кўп эътироф этилади. Бу ҳам у кишининг ўзига хос фазилатларидан бири. Расмий тадбир ёки дўстлар даврасими, шунга мос гапириш, у ерда ҳозир бўлган-

ларнинг дилидагини айтиш ҳар кимнинг қўлидан келмайди. Киши сўзасмоқ бўлиши мумкин, лекин гаплари маънили, фикри теран, мушоҳадаси асосли бўлмаса уни ҳеч ким эшитмайди. Устоз бу жихатдан ҳам кўпчиликка ибрат бўлиб, керак бўлса, сабоқ бермоқда.

Албатта, кишида инсоний фазилатлар, яхши одатлар ўз-ўзидан шаклланмайди. Иқтидор, интеллект туғма бўлиши мумкин, лекин оила-дашунга мос муҳит, атрофингизда яхши инсонлар бўлмаса, ҳаммаси бекор. Фармон аканинг бу борада ҳам бахти бор. Мен устознинг отаси Исҳоқ домланинг фарзандига сизлаб мурожаат қилиб, жуда очик муносабатда бўлиши, худди дўстлардек суҳбатлашганларини кўриб хайрон қолганман. Яқин йилларгача онаси Қурбоной аянинг бугун катта бобо бўлиб қолган ўғлини эркалаб, аяб гапирганларига, “кўп вақтингизни олмай, ишингизга бора қолинг” деб кузатганларига гувоҳ бўлганман. Фармон акадаги самимийлик ана шу инсонларнинг гўзал тарбияси натижаси бўлса, не ажаб. Уста Тош бобо эса ўзининг ҳалоллиги, меҳнатқаш ва бағрикенглиги билан набирасига чинакам ибрат бўлган. Бу ҳақда устоз ўз асарларида кўп тўхталган, ибратли ҳикояларни келтирган.

Фармон аканинг хонадонидан кўнгли тўқ бўлиб, доим эл орасида юриши, завқ билан ижод қилишида Улмон янганинг жуда катта хизмати бор. Ярим асрдан буён бирга яшаб, турмушнинг кўп паст-баландини кўрган ва бугун фарзанду набиралар суюб ўтирган янга ҳар тонг устозни яхши кайфиятда ишга кузатишни ўз зиммасига олган. Ўз навбатида биз ҳам устознинг таҳририятдан ана шундай кафиятда уйига бориши учун ўзимизни янга олдида масъул, деб биламиз.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг кўпчилик учун қоидадек бўлиб кетган шундай ҳикмати бор: “Агар шогирд шайхулислом, қозидур, агар устоз рози — Тангри розидур”. Ҳа, устоз ота-она каби улуғ мақомда эътироф этилар экан, унинг розилиги ҳам шу даражада бўлиши табиий.

Устознинг шогирдларидан бири Нодир Жонузоқ бир суҳбатимизда “Сизларга ҳавас қиламан, Фармон аканинг ёнидасизлар. Устоздан кўп нарса ўрганишимиз, суҳбатларини олишимиз керак. Сизларда бундай имконият катта” деганди.

Бугун кутлуғ етмиш ёшга тўлган устозимиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Фармон Тошевни ушбу сана билан табриклаб, илоҳим, яқинлари ва шогирдлари қаторида яна кўп йиллар устознинг ёнида юриш, у кишининг суҳбатларидан, тажрибаларидан баҳраманд бўлиш ва улуғ ёшлари билан табриклаш насиб этсин, деймиз.

Ғолиб ҲАСАНОВ